



АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустақамлаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ



Сарвар ўрмон (ЎзА) олган сурат.



УЙЛАР, ЙЎЛЛАР

барпо этилади

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Нукус шаҳридаги темир йўл вокзали биносини таъмирлаш, шунингдек, 27 кўп қаватли турар жой қуриш режалаштирилган.

«Қорақалпоғистон тонги» газетасида хабар берилишича, шу билан биргаликда автомобиль йўллари бунёд этиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий иншоотлар қурилиши ҳам давом эттирилади.

ИННОВАЦИЯ ЮТУҚЛАРИ

ишлаб чиқаришга

Намангандаги «Пахлавон» спорт мажмуасида IX инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида тайёргарлик доирасида инновацион ишланмалар кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Наманган ҳақиқати» газетаси сайтида хабар берилган.

Мазкур тadbир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўтган йилги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида наманганлик ёш олимлар томонидан беш юз ишланма, инновацион ғоя ва лойиҳалар тақдим этилиб, 25 миллиард сўмлик мингдан ортиқ шартномалар имзоланган эди. Бу йил мазкур кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

КИТОБ БАЙРАМИ

Бухоро вилоят ахборот-ресурс марказида «Болалар китобхонлиги ва миллий маънавият» мавзусида иккунчи учрашув ташкил қилинди. «Бухоронома» газетаси сайтида хабар берилишича, «Болалар китоби оламига саёҳат» ҳафталиги доирасида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Тошўлат Аҳмад ва бошқа ижодкорлар иштирок этган.

Ҳафталик давомида янги адабиётлар кўргазмаси, китобхонлар беллашуви, болаларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

«Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга эътибор берайлик: 2015 йилда маҳаллалар томонидан кам таъминланган оилаларга 3,5 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилган. Фуқароларнинг соғлиғини тиклаш, уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг уй-жойини таъмирлаш бўйича ҳам салмоқли маблағ ажратилган. 398 нафар ногирон ва чин етимларнинг 525,8 миллион сўм ўқув-контракт пули тўлаб берилган».

► Давоми 3-бетда.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

Бошланғич ташкилотлар

партиянинг нуфузи, таъсир кучини
оширишда муҳим ўрин тутди

Барфи Омонова ўн беш йилдан бери Мирзачўл туманидаги «Мирзадала» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилотига етакчилик қилади. Айни пайтда ушбу бошланғич ташкилот 48 нафар партиядошимизни бирлаштирган.

Мазкур бошланғич ташкилот жорий йилнинг дастлабки чорагида 5 нафар фуқарони аъзоликка қабул қилган. Бугунги кунда улар партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, электорат вакиллари уйлантираётган муаммоларни кўтариб чиқиш имкониятларидан унушти фойдаланилмоқда.

Ушбу бошланғич ташкилотнинг партия аъзолари сиёсий ҳамда фуқаролик маърифатини ошириш, янги аъзоларни танлаш ва қабул қилиш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ишлаш тажрибасини бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзийди.

► Давоми 2-бетда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Термиз туманидаги «Сурхон» санаторияси масъулияти чекланган жамияти тўлиқ таъмирланди. Бунёдкорлик ишларига 250 миллион сўм сарфлангач, санатория ўзгача қиёфа ва бетакрор кўринишга эга бўлди.

СИҲАТГОҲ ТАЪМИРЛАНДИ

— Айни кунларда муассасамизда 18 нафар киши меҳнат қилмоқда, — дейди бош шифокор, ЎзХДП фаоли Лавриятхон Ҳакимов. — Янги масканга замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Бундай хайрли ва эзгу ишлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш баробарида халқимизнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ёшлар келажаги

Бандлик дастури
ижросига
боғлиқ

Ўтган йили Сирдарё вилоят партия кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз саъй-ҳаракати билан бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз томонидан туманларда бўш иш ўринлари ташкил этиш бўйича қўшимча имкониятлар ўрганилди ва ушбу масала вилоят Кенгаши сессиясига киритилди.

2

ЎзХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР

ЎзХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИНГ МАНЗИЛЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУСИДА ТИББИЙ КўРИК АКЦИЯСINI ЎТКАЗДИ.

ЎзХДП ЖОНДОР ТУМАН КЕНГАШИ «ПАХТАКОР» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ТАДБИР ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

ЎзХДП ПЕШКУ ТУМАН КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БўЛИБ ЎТДИ.

ЎЗХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

■ НУҚТАИ НАЗАР

Сиёсий партия илгари сураётган гоёлар халқ ўртасида тарғиб қилиниши, одамларга етказилиши, тушунтирилиши лозим. Шунда сиёсий кучнинг тарафдорлари ортади. Партия гоёлари учун курашадиганлар сафи кенгайди.

Бунда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, тadbирлар таъсирчанлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Партия гоёлари тарғиботи

мунтазам олиб борилиши лозим



Алишер РАВШАНОВ,
ЎЗХДП Марказий Кенгаши
Мафкура ва тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи.

Партиямиз ташаббуси билан «Тарғиботчи — маҳаллада» лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида, Андижон вилоятининг Улугнор ва Кўргонтепа туманларида, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида давра суҳбатлари ўтказилди.

Аҳамиятлиси, ушбу тadbирлар доирасида партиямиз электорати вакиллари йўлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимини янада ошириш масалаларида фикр алмашилмоқда. Парламентда муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

Бундан ташқари, жойларда «Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз», «Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг аҳоли қатламига етказишда тарғиботчилар гуруҳи аъзоларининг фаолияти» мавзуларида турқум тadbирлар ташкил этилмоқда.

2016 йилнинг иккинчи чораги учун ҳам лойиҳа ва тadbирлар режаси ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» шиори остида тарғибот тadbирлари ташкил этилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида «Кишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш энг муҳим ўстувор йўналиш» лойиҳаси, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Доимо эътиборимиздасиз!» лойиҳаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида «Оммавий маданиятга қарши курашиш ижтимоий шерикли муносабатларини янада кучайтиришни талаб этади» мавзусида турқум тadbирлар ўтказилди.

Шунингдек, минтақавий, туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳузурда Аxbорот-маърифат хоналари фаолиятини кучайтириш, жирои компьютер техникаси билан жиҳозлаш, интернет тармоғига улаш ҳамда адабиётлар базасини кенгайтириш масалаларига эътибор берилди. Умуман, Аxbорот-маърифат хоналари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидеги ўқувлар таъсирчанлигини оширишга, тарғиботчилар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тажрибадан маълумки, партия электорати вакиллари билан турли тadbирлар ўтказишда расмий усуллар, қуруқ маърузалардан қочиш лозим. Баъзи туман ва шаҳарлардаги тadbирларда юзлаб одамлар қатнашмоқда. Бундай катта аудитория билан мулоқот қилишнинг ўзига хос талаблари бор, албатта. Шунинг учун давра суҳбатларида мустақил фикрига эга, ҳаётни чуқур тушунадиган тажрибали мутахассислар қатнашишига алоҳида эътибор бериш лозим, деб ўйлайман.

■ Бугун бошланғич ташкилотлар етакчиларидан ҳар қачонгидан кўпроқ фаоллик, фидойилик, қатъият талаб этилади.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

партиянинг нуфузи, таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутати

Қуйи бўғин билан партиямиздан сайланган депутатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик электорат манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг дастлабки чорагида бошланғич ташкилотлар билан партия гуруҳлари ҳамкорлигида маънавий-маърифий тadbирлар, давра суҳбатлари ўтказилгани ҳам фикримиз тасдиғи бўла олади. Муҳими, бундай тadbирларда ноанъанавий услублардан, замонавий тарғибот воситаларидан ўринли фойдаланилмоқда.

Вилоятимиздаги 16521 нафар партиядошимизни бирлаштирган 436 бошланғич ташкилот орасида ана шундай фаоллари борлиги кишини қувонтиради.

Жиззах шаҳридаги «Сангзор» маҳалла фуқаролар йиғини, Ғаллаорол туманидаги «Олимлар» маҳалласи, Бахмал туманидаги «Оқтош» кишлоқ фуқаролар йиғини, Арнасой туманидаги тиббиёт бirlашмаси бошланғич ташкилотлариға фидойи, салохиятли, қатъиятли фаолларимиз етакчилик қилишмоқда.

Бу йиғилишларни Низом талаблари асосида ўтказиш, ҳудудларга хос бўлган муаммолари масалаларнинг ечимини топиш,

▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

зарур ҳолларда таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқиш имкониятини бермоқда.

Шу ўринда ўтган йили бевосита бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан 12 масала маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари ва сессияларида муҳокама этилиб, электоратимиз манфаатларига мос қарорлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлашни истардим.

қуйи бўғин партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ҳар бир аъзога етказиши, партиямиз ташаббуслари мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириши, шу йўл билан партиянинг чинакам таянчига айланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: йил бўйи сафига янги аъзо қабул қилмаган, ҳудудга хос ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишга

оширилди. Натижада бугунга келиб Жиззах туманидаги «Ок олтин» кишлоқ фуқаролар йиғини, Ғаллаорол туманидаги «Маржонбулоқ кони», «Мирзабулоқ» кишлоқ фуқаролар йиғини сингари бошланғич ташкилотлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Одатда, бошланғич ташкилот фаолиятидаги ижобий ёки салбий жиҳатлар етакчининг қобилиятига боғлиқ. Етакчи партия ишидан яхши хабардор, салохиятли ва ташаббускор бўлса, у раҳбарлик қилаётган қуйи бўғиннинг мавқеи ҳам шунга яраша юқори бўлади.

Шунинг учун вилоятимизда бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда етакчилар билан ишлашнинг турли механизмларидан фойдаланилган. Хусусан, ҳар ойнинг тўртинчи жумаси бошланғич ташкилотлар кунини, деб белгиланган. Шу кунни вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари фаоллари, депутатлар, мутахассислар бошланғич ташкилотларда бўлиб, уларга ҳар томонлама ёрдам беришяпти.

Бундан ташқари, жойлардаги намунали бошланғич ташкилотларда етакчилар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказишни йўлга қўйганмиз.

Уларда илгари сурилган таклифлар, фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, намунали бошланғич ташкилотларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, етакчиларни рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бошланғич ташкилот — партиянинг халққа энг яқин бўғини. У бир мақсад йўлида бирлашган инсонлардан ташкилотпади. Бу эса ижтимоий масалаларни ўрганиш, электорат манфаатларини ишончли ҳимоялашда асослади. Шундай экан, бугун партиямизнинг ҳар бир бошланғич ташкилоти, унинг етакчиси олдида муҳим вазифалар турибди.

Бул аҳолини йўлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, юқори партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларига етказиш, мазкур масалани ҳал этиш йўлида тиним билмай куралиш қабилари ўз ичига олади. Демак, бугун бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларидан ҳар қачонгидан кўпроқ фаоллик, фидойилик, қатъият талаб этилади.

Дилшод НОРМАТОВ,
ЎЗХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири.

■ ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сирдарё вилоят партия кенгаши Меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда Мирзаобод туманидаги «Навбахор» кишлоқ фуқаролар йиғинида «Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари амалий иштирокини таъминлаш» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Ёшлар келажағи

Бандлик дастури ижросига боғлиқ

Унда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, тарғиботчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, бандлик даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — дейди ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов. — Ўтган йили вилоят партия кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз саъй-ҳаракати билан бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз томонидан туманларда бўш иш ўринлари ташкил этиш бўйича қўшимча имкониятлар ўрганилди ва ушбу масала вилоят Кенгаши сессиясига қиритилди. Муҳокамалар жараёнида ЎЗХДП депутатлари электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича асосли таклифлар билдиришди.

Ҳар бир депутат ўз сайлов округида бандлик масаласини доимий назоратта олган. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига ишга жойлашишда ёрдам сўраб муурожаат қилган фуқароларга амалий кўмак ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериб боришмоқда.

— Ҳар бир партия ташкилоти ва депутат жорий йилда мазкур масалага эътиборни янада кучайтириши лозим, — дейди халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Мурод Хаитов. — Бунинг учун жойларда оилавий тadbиркорлик, катта сармоя талаб қилмайдиган қосибчилик, халқ хунарамандчилиги, уй меҳнати ва қасаначиликни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар, янги лойиҳалар ишлаб чиқишимиз керак. Ҳар бир депутат ўз сайлов округида ана шу соҳалар ривожланиши учун зарур шароитлар яратишда ташаббускор бўлса, самарали депутатлик назоратини олиб бурса, қўллаб муаммолар ечим топади, иш ўринлари яратиш имкониятлари кенгайди. Ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келётган электоратимиз вакиллари аниқлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча шароит юзага келди.

— Ўтган йили Мирзаобод туманида меҳнат ярмаркалари орқали 70 дан ортиқ касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди, — дейди ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши бўлими мудири Бекзод Эшмиров. — Бунда партиямиз фаоллари ҳамда депутатларнинг ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Коллежни тамомлаган орзу-умидли ёшлар қаерда, қандай шароитда иш бошлаши уларнинг ҳаётга муносабати шаклланишида муҳим ўрин тутати. Шу боис ёшларни иш билан таъминлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тadbирда касб-хунар коллежлари битирувчилари билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлики янада кучайтириш масалалари атрафлича муҳокама этилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ КООРДИНАТОРЛАРИ фаол, фидойи бўлишлари керак

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторларининг баҳс-мунозарага киришиш маҳоратини ошириш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши масъуллари, «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзолари иштирок этди.

Тadbирда «Ёш сиёсатчилар» клуби олдида турган вазифалар, клуб координатори ва аъзоларининг малакасини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қайд этилдики, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Бу уларни турли ёт гоёлар, зарарли аxbоротлар таъсиридан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Демак, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган ишларда «Ёш сиёсатчилар» клубининг иштирокини янада кенгайтириш долзарб масала ҳисобланади.

— Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга кўмаклашиш, мустақил фикрлайдиган, амалий таклифлар бера оладиган етакчиларни рағбатлантириш асосий мақсадимиз, — деди ЎЗХДП Охангарон туман кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби координатори Зухра Жумабоева. — Ҳозир клубнинг



Самар ШОТЎЛМАТОВ оғли суради.

фаол ёшларини рағбатлантириш, ижтимоий тармоқларда саҳифа очиш устида ишляпмиз. Клуб фаолияти самарадорлиги ва таъсир кучини оширишда бу муҳим аҳамият касб этади.

Семинар-тренингда ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш, қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш мавзулари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Ёш сиёсатчилар» клубининг қуйи бўғинлари фаолиятини янада кучайтириш, «Истиқбол» ёшлар қаноти тизимидаги етакчиларнинг маҳоратини ошириш кераклиги таъкидланди.

— «Ёш сиёсатчилар» клубида билимли, дунёқарашли кенг ёшлар йиғилаётгани қувонарли ҳол, — дейди ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби координатори Улугбек Алиқуллов. — Улар эртага партиямиз тизимида ишлайдиган ҳодимлар, сиёсатчилар, бўлгуси депутатлардир. Бундай ёшларни тенгдошларига ўрناк қилиб кўрсатиш керак. Бунинг учун оммавий аxbорот воситалари — энг яхши минбар. Клубимиз аъзолари томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифларнинг матбуот саҳифаларида доимий


равишда бериб борилиши ёшларни руҳлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Клуб координаторлари, аъзоларининг малака ва кўникмаларини ошириш, ташкил этиладиган дебатларда улар иштирокини таъминлаш масалалари ҳақида таклифлар берилди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, интерактив ўйинлар ташкил этдилар. Ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА МУЎЖАЗ ВАТАН



Меморандум
имзоланди

Инха университети ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида илмий ҳамкорлик ва таълим соҳасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Ундан кўзланган асосий мақсад мазкур олий таълим муассасалари ўртасида илмий тадқиқотлар ва таълим соҳасидаги ҳамкорликини ривожлантиришдан иборат.

Меморандум доирасида Инха ва ТАТУ ўртасида талабалар алмашинуви амалга оширилади. Шунингдек, томонлар ва уларнинг ҳамкорлари ташкил этидиган ёзи мақтаб дастурларида қатнашадилар.

Биргаликда турли тадбирлар, маҳорат мактаблари машғулоти, конференциялар, семинарлар, танловлар, олимпиадалар, кўргазмалар ўтказиш режалаштирилганлиги хабар қилинади Инха университети сайтыда.

Шунингдек, таълим тизими ва илмий дастурларини ривожлантиришга оид халқаро ва республика грантларини жалб этиш борасида ҳам ҳамкорлик қилинади.

Ҳамюртимиз
халқаро
танлов
совриндори

Самарқанд шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Далер Шавкатов Испаниянинг Коста-Браво шаҳрида хореография ва вокал йўналишлари бўйича ўтказилган «Dancing Catalonia» халқаро танловда биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси расмий сайти хабар бермоқда.

Дунёнинг 11 давлатидан 200 нафардан ортиқ ихрочилар қатнашган танловда Далер хореография йўналиши бўйича маҳоратини намоиш этиб, жаҳоннинг танлики санъатшунос ва мусикашунослари олқишига сазовор бўлди.

Еш истеъдод соҳиби танловнинг 13-15 ёшли совриндорлари иштирокида ўтказилган гала-концертда ҳам иштирок этди. Италиялик танлики хореограф Роберто Лори томонидан ташкил этилган маҳорат дарсларида қатнашди.

Жаҳонгир
Воҳидов

Англияда ўтказилган
халқаро турнирда
ғолиб бўлди

Англиянинг Хэрроу шаҳрида шохмат бўйича Colin Crouch Celebration Chess Congress — Masters турнири якунида. Ушбу халқаро мусобақада ҳамюртимиз Жаҳонгир Воҳидов юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Дунёнинг кўзга кўринган гроссмейстерлари иштирокида ўтган турнирда Жаҳонгир Воҳидов бош мукофотни кўлга киритди, деб хабар қилади olamsport.com.

Ҳамюртимиз ўтказилган 9 партиянинг 6 тасида ғалаба қозонди, учта партияни дуранг билан якунлади.

АМИР ТЕМУР
ТАВАЛЛУДИНИНГ 680
ЙИЛЛИГИ
КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ —
ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

2016 йил, 9 апрель. Буюк бобомиз Амир Темур таваллуд топанлигининг 680 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Соҳибқирон улугвор ҳайкали қад кўтарган хийбонга парламент аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, талабалар, кенг жамоатчилик ва дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилишди.

Тадбирни Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев очиб, Амир Темурнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни, ўша даврда Соҳибқирон томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, илм-маърифат, маънавиятга берилган эътибор ҳақида фикр юритди.

— Бундан 20 йил аввал Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган эди. Улуг бобомиз шарафига орден таъсис этилди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда муҳташам ҳайкаллари қад ростлади, — деди Ёзувчилар уюшмиси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али. — Айнан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Амир Темурнинг номи, бой мероси тикланди.

Президентимиз сўзбошиси билан «Темур тузуқлари» мукаммал ҳолда янгидан чоп этилди. Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида, бир қатор хорижий давлатларда буюк бобомиз таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, апрель ойининг охирида Нидерландиянинг Реден университетидан ҳам ана шу мавзуга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтади, унда ўн нафар ўзбекистонлик олимлар ҳам иштирок этиши кўзга тутилмоқда.

— Амир Темур буюк саркарда сифатида шарқ ва ғарб халқларини яқинлаштирган тарихий шахсдир, — деди тадбирда иштирок этган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс. — Ўша даврда Франция ва Амир Темур ҳукмронлиги остидаги давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар

муштаҳкам қарор топган эди. Кўплаб франциялик тарихчи ва тадқиқотчилар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, унинг Европа давлатлари учун аҳамиятини чуқур ўрганиб, ўз илмий изланишларини китоб ҳолида чоп қилдирган. Бу жараён бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги фақат мамлакатимизда эмас, дунё бўйлаб кенг нишонланмоқда. Жаҳондаги 50 дан ортиқ давлатнинг олимлари ва тадқиқотчилари томонидан унинг бунёдкорлик ишлари, илм-маърифат, маънавиятга бўлган муносабатлари оид асарлар ёзилган. Амир Темур тўғрисида яратилган 60 дан зиёд саҳна асарлари дунёнинг турли давлатларида намоиш қилиб келинмоқда.

Тадбирда ёшлар Амир Темур бобомизнинг ибратли ҳаёти, адолатпарварлика йўрилган фаолияти ҳақида дунё олимлари томонидан билдирилган фикрларни ўзбек, инглиз, рус, француз, япон ва бошқа тилларда ўқиб берди.

Шаҳрисабз шаҳридан 25 март куни «Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топанлигининг

680 йиллигига — 680 минг қадам» шиори билан йўлга чиққан ва 9 апрель кунини эрта тонгда Соҳибқирон ҳайкали ўрнатилган хийбонга етиб келган 65 ёшли ҳаваскор спортчи Абдужаббор Холбоев ҳам тадбирда сўзга чиқди.

— Мен кўпдан буён буюк саркарда бобомизнинг 680 йиллик муборак тўйига тайёргарлик кўриб юрган эдим. Мана, ниҳоят ниятим амалга ошди, — деди у. — Ана шу талабаррук сана муносабати билан 680 туп дарахт кўчати ўтказдик.

— Мен Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманиданман, — дейди меҳнат фахрийси Хусан Болтаев. — Ҳар йили Амир Темур туғилган кунда Тошкентга келиб, Соҳибқирон ҳайкалини зиёрат қиламан, тантанали тадбирда қатнашаман. Ўтган йили ҳам келганман. Сабаби шуки, Амир Темур бошлаган эзгу ишлар давомини, оламшумул ўзгаришларни бугунги кунда пойтахтимизда, вилоятлар марказларида, шаҳар ва қишлоқларда ўз кўзим билан кўриб қувонаман, бу ислохотларга йўлбошчилик қилаётган Президентимиздан миннатдорман.

Шундан сўнг тадбирга йиғилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари

томонидан Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтган «Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида олим ва тадқиқотчилар Соҳибқироннинг илм-фан, маданият ривожидagi ўрни тўғрисида фикр юритдилар.

Анжуман доирасида темурийлар даврига оид ноёб қўлёзмалар, Амир Темур ҳақида дунё тарихчилари ва ёзувчилари томонидан ёзилган ҳамда ҳозирги даврда буюк саркарда ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган асарлар кўргазмаси намоиш этилди, темурийлар тарихига оид энг яхши тасвирий ва публицистик асарлар танлови ғолиблари тақдирланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Амир Темур даврида илм-фан, санъат, маданият ривожини» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Илм-фан ва маданият
ҳомийси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан ташкил этилган тадбирда олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлангандек, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик қадриятлари билан улусий мисол қадриятли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзини ҳам амалий, ҳам назарий меҳор қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, маънавият ривожига кенг йўл очди.

Мамлакатимиз таълим тизимида, маънавий-маърифий ишларда ёшларга Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўргатиш, навқирон авлодни уларнинг муносиб давомчилари этиб қамолга

етказишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Тадбирда Амир Темур ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданият, хунармандлик ривожлангани, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, Соҳибқирон қурдирган обидалар башариётнинг маънавий мулкига айлангани таъкидланди. Бобоклонимизнинг ҳаёти, давлатчилик сиёсати, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, «Темур тузуқлари»нинг мазмун-моҳияти, ушбу даврга оид янги тадқиқотлар хусусида сўз юритилди.

Амир Темур ва темурийлар даврига оид бадий асарлар асосида тайёрланган саҳна кўринишлари намоиш этилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

УНИВЕРСИАДА — 2016

МИНТАҚАВИЙ
БОСҚИЧ
ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда «Универсиада — 2016» спорт ўйинларининг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бокс бўйича минтақавий саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар бокс мактаби ҳамда «Пахтакор» футбол клуби қошидаги 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган баҳсларда Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари терма жамоалари иштирок этди.

Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи бўйича Тошкент шаҳрининг эркалар ва қизлар терма жамоалари ғолиб бўлди. Бокс бўйича Тошкент шаҳри жамоасининг тўққиз аъзоси, Жиззах вилоятидан бир боксчи финал босқичига йўланмани қўлга киритди.

— Саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этганимдан хурсандман, — дейди жаззхлик боксчи Жамолдин Ўктамов. — «Универсиада — 2016» спорт ўйинларининг финал босқичида ҳам ғалаба қозониш учун бор имкониятни ишга соламан.

Ғолиблар Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган «Универсиада — 2016» спорт ўйинларининг финал босқичида иштирок этади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ОБ-ҲАВО	12-13.04 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+5 / +10	+18 / +23
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+3 / +8	+13 / +18
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+3 / +8	+13 / +18
Тошкент шаҳри	
+6 / +8	+13 / +15
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+17 / +17
Париж	+16 / +18
Москва	+14 / +17
Мадрид	+13 / +16
Пекин	+22 / +27
Канберра	+23 / +22
Рим	+23 / +23
Афина	+27 / +25
Токио	+15 / +18
Стокгольм	+14 / +11

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459

15101

nuxxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 20.45

Topshirilgan vaqt — 01.00

Navbatchi:

Alisher RO'ZIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772010743004

1 2 3 4 5